ТАЪЛИМНИНГ ЯРАТУВЧИЛИК ХАРАКТЕРИ

Ҳабибулло Абдукаримов,
ГулДУ профессори

Аннотация: Ушбу мақолада таълимнинг яратувчилик характери, ижобий хислатларнинг кўплиги нур устига аъло нур, аммо ўқитувчига хос салбий сифатлар битта қайд этилса ҳам ортиқча хисобланиши, ўқитувчи, устоз мақомини эгаллаш ҳамда унга лойиқ бўлиш сари интилиб яшамоғи, фаолият юритмоғи даркарлиги ёритилган. Талаба биринчи курсга қабул бўлганидан эътиборан унинг таълим жараёнига муносабати ҳамда касбига муносабати уйғунликда ўрганиб борилади. Билим олишга қизиққани билан касб эгаллашга муносабати суст талаба олийгоҳни битиргач бошқа сохада ўзини синаб кўришга харакат қилади.

Калит сўзлар: дарс, синф,талаба, ташкилотчилик, коммуникативлик, перцептив,. информацион, дидактив, йўналтирувчи, сафарбар этувчи, ривожлантирувчи, креатив, гностик, тадқиқотчилик.

Annotation: In this article, the creative nature of education, the abundance of positive qualities is an excellent light on the light, but even if one mentions the negative qualities characteristic of a teacher, it is overcounted. From the moment the student is admitted to the first course, his attitude to the educational process and his attitude to the profession are studied in harmony. A student who is interested in learning but has a weak attitude towards getting a profession tries to try himself in another field after graduating from the university.

Key words: lesson, class, student, organization, communicative, perceptive. informative, didactic, guiding, mobilizing, developing, creative, gnostic, research.

“Дунё бир кун, у ҳам-Бугун” деган экан бир аллома. Эрта туриб ишга шошамиз. Кўча-куйда аксарият инсонларни телефонда сўзлашиб кетаётганига кўзимиз тушади. Ахборот асри таъсирида хар ким ўз юмушлари билан банд бўлса керак деган хулосага келамиз.

Аммо ижтимоий муносабатларда ҳар хил ҳолатга эътибор қаратишга тўғри келади. Катта йўллардаги машиналарнинг тирбандлигидан ташқари, йўлакларда шошиб кетаётган турли ёшдаги аёллар, эркаклар ҳамда болалар диққатингизни тортади. Айниқса, тонг саҳарда супурги кўтариб юрган аёлларни кўриб сергак тортасиз ва атрофга аланглаб қарай бошлайсиз. Йўлаклар четидаги музқаймоқ идишлари, сигарет қутилари, чекилган сигарет қолдиқлари ва ахлат уюмлари табингизни хира қилади. Шу кайфиятда ишга етиб келасиз.

Дарс бошида синф ўқувчилари ёки талабаларга таассуротларингиз хақида икки оғиз тўхталиб ўтмасангиз бўлмайди. Бу масалада ёшларни воқиф қилиш зарур. Токи ёшларда мухитга нисбатан масъулият хисси шакилланса, бефарқлик янада камайган бўлади. Чунки бефарқлик муаммони келтириб чиқаради. Бир йўла “муаммо” нинг луғавий маъносига тўхталадиган бўлсак, бу сўз арабчадан – жунбоқли, сирли, ғалати, тушиниш қийин... деган маъноларни англатади (Ўзбек тилининг изохли луғати. 2-жилд, 622-б.). Демак имкон қадар воқеа-ҳодисага бефарқ бўлмай муаммонинг туғилишига йўл қолдирмаслик лозим. Шунда муаммо янги муаммони келтириб чиқармайди.

Маълумотларга қараганда 81 минг соф сўзимиз бор. Шундан қанчаси мактабгача таълимда ва умумий ўрта таълимда ўзлаштирилади? Бу масала илмий жиҳатдан ўрганилганми? Дунё бўйича 50дан ортиқ давлат ўзбек тилида сўзлашишини ҳисобга олсак, бугунги она тилимизнинг ривожига эътибор масаласи ҳар биримизга алоҳида масъулият юклайди. Айниқса, узликсиз таълим тизими илм асосида билим бериш принципига асосланса, таълим ривожида муаммоли вазиятлар ўз ечимига эга бўлиб, сўз бойлигимиз тобора қадрият даражасига кўтарилиб боради. Шунга кўра таълим ривожи хар доим давлатимиз назоратида бўлиб келмоқда, чунки таълим яратувчилик характерига эга. Таълим жамият эхтиёжидан келиб чиқиб, ижтимоий буюртма хисобланади. Унинг луғавий маъноси ҳам ўргатиш, ўқитиш, илм беришдан иборат (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд, 27-б.).

Маълумки, билим ўз холича унчалик етакчи қурол эмас. У бор-йўғи ўзлаштирилган ахборотлар йиғиндиси холос. Билим одамниг табиати, фитрати, эътиқодини кучайтириб, фикрига қувват берсагина қудратли кучга айланади. Шунга мувофиқ ҳар бир талабага булажак кадр сифатида эмас, такрорланмас шахс сифатида қараш лозим.

Янгиланаётган педагогика тарбия ва таълим жараёнида ҳис-туйғу орқали иш кўриш тажрибасини қўллайди. Аммо ҳамон ўқитувчи айтиб берганларини қайтариб айтиш амалиёти мавжуд. Бу қобилиятли ўқувчи мақомига тўғри келмайди. Боланинг эркин фикрлаши, мантиқий тафаккур ривожи, айниқса, таъсирли тарбияни ҳис-туйғу орқали олиши рухиятини янада соғломлаштиради.

Аёнки, аксарият ҳолда она боланинг қалбига, қалби орқали онгига таъсир кўрсатади. Бунинг акси ўларок баъзи оталар боланинг миясига тўғридан тўғри таъсир кўрсатишга урунади. Шунинг учун бўлса керак, бола кўпроқ отасига эмас, онага талпинади. Чунки бола меҳр тарбиясига эхтиёжманд бўлади.

Тарбия туфайли балиқни учишга, эчкини сувда яшайдиган қилишга имкон йўқ. Бу жараён биологик жихатдан программалаштирилган. Шунинг учун касб тарбиясининг ҳам имкониятлари чексиз эмас. Камолотга моиллик инсон табиатининг ўзида мавжуд. Шунга кўра бўлажак ўқитувчига касбий сифатлар ҳамда касбий фазилатлар ҳақида билим бериш лозим. Чунки касбий фазилатларни билмаган шахс қандай қилиб ўқитувчи бўлиши мумкин?

Профессор Равшанбек Маҳмудовнинг қайд этишича, фазилат фуқаролардаги кўзга кўринадиган ва кўзга ташланмайдиган ижобий хислатлар номи. (Р. Маҳмудов. Касбий маънавият. Т.: “Методист”, 2023. -б. 15.). Олиб бораётган тадқиқотларимиз жараёнида инсонпарварлик билан билимдонликнинг уйғунлиги, масъулият хисси билан касбга содиқлик фазилати ўқитувчи шахсининг етакчи ижобий хислатлари таркибига кириши маълум бўлдики, бу билан Р. Маҳмудовнинг фикрларига тўлиқ қўшиламиз. Шу билан биргаликда талаба-ёшлар билан ўтказган сўровнома ва савол-жавобларимиз ўлароқ

ўқитувчи шахсининг 200дан ортиқ ижобий сифатлари аниқланган ҳамда ўрганилган бўлса, 60дан ортиқ салбий хусусиятлари қайд этилди.

Ижобий хислатларнинг кўплиги нур устига аъло нур, аммо ўқитувчига хос салбий сифатлар битта қайд этилса ҳам ортиқча хисобланади. Имкон қадар ўқитувчи, устоз мақомини эгаллаш ҳамда унга лойиқ бўлиш сари интилиб яшамоғи, фаолият юритмоғи даркар.

Талаба биринчи курсга қабул бўлганидан эътиборан унинг таълим жараёнига муносабати ҳамда касбига муносабати уйғунликда ўрганиб борилади. Билим олишга қизиққани билан касб эгаллашга муносабати суст талаба олийгоҳни битиргач бошқа сохада ўзини синаб кўришга харакат қилади. Бундай ёшлар оз дейсизми? Қўлимизда аниқ маълумотлар бўлмасада, иш фаолияти жараёнида бу каби ҳолларга дуч келишимиз аниқ. Бу ўринда муаммонинг ечимларидан бири бўлажак мутахассисга касб тарбияси беришдан иборат. Аниқроғи касб тарбияси илмий педагогик муаммо сифатида бугунги кунда кам ўрганилмоқда.

Олиб бораётган тадқиқотларимиз ўлароқ, ўқитувчи шахсининг фаолиятида касбий ўз-ўзини тарбиялаш устувор ахамиятга эгалиги маълум бўлди. Шунга кўра ўқитувчининг касб фаолияти структураси қуйидаги алгоритм тартибида келишига эътибор қратилди (1-расм).


1. Тарбиячилик.
2. Ташкилотчилик.
3. Коммуникативлик.
4. Перцептив.
5. Информацион.
6. Дидактив.
7. Йўналтирувчи.
8. Сафарбар этувчи.
9. Ривожлантирувчи.
10. Креатив.
11. Гностик (тадқиқотчилик).

Демак, таълимнинг яратувчилик характирини ўқитувчи шахсининг касбий ўз-ўзини тарбиялаши жараёнидан айрича тасаввур этиб бўлмаслиги аниқланди.

Педагок ва психолог олимлар изланишларида ўқитувчининг касб фаолияти структураси унинг касбий сифатлари ва айни пайтда касб қобилиятлари ҳам дейилишига эътибор қаратилиб, тарбия жараёнига, айниқса, касб тарбиясига алохида тўхталиб ўтилган (Х. Ибрагимов, Н. Темиров, Р. Сафарова ва бошқ.).

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида академик Н.В. Кузьмина педагогик фаолиятнинг коммуникатив, конструктив ва перцептив тузулмасига эътибор қаратган бўлса, И.А. Щербаков уларнинг ривожлантирувчи, йўналтирувчи ҳамда гностик (тадқиқотчилик) қобилиятларини ўрганган. Академик В.А. Сластенин юқорида кўриб ўтилган қобилиятларнинг изчил давоми ўлароқ тарбиячилик, дидактив ҳамда креатив қобилиятларни чуқур ўрганган ҳолда, бундай қобилиятлар нафақат ўқитувчида, балки ҳар қандай касб эгасида бўлиши мумкинлигини уқтирган.

Бизнинг тадқиқотга оид изланишларимиз ўқитувчининг касб фаолияти структураси унинг тарбиячилик қобилиятидан бошланиши зарурлигини тақозо этди (1-расм.). шундан келиб чиқиб, бўлажак ўқитувчиларни касбий-тарбиявий фаолиятга таёрлашнинг маънавий-ахлоқий хусусиятларини тизимли такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (2-расм.). Якуний хулоса ўлароқ касб тарбиясининг тузулмаси келтирилди (3-расм).



2-расм. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг маънавий-ахлоқий хусусиятларини тизимли такомиллаштириш модели

Ушбу моделда бўлажак ўқитувчиларни касбий-тарбиявий фаолиятга таёрлашнинг маънавий-ахлоқий хусусиятларини тизимли такомиллаштириш, баркамол шахс тарбиясига бўлган ёндошувлар асосида ишлаб чиқилган. Бунда асосан инновацион акциологик тизим ҳамда шахсга йўналтирилган ёндошувнинг уйғунлиги ўлароқ маҳоратли, етук тарбиячи-ўқитувчилар тайёрлашнинг мохияти кўрсатиб бериган. Айни пайтда таълимнинг яратувчилик хусусияти мураккаб ва давомли эканлиги ҳамда уни ўрганиш педагог-олимлар олдига алохида масъулият юклашининг маъно-моҳиятига урғу берилган бўлиб, бу жараёнда:

1) касб тарбиясида очиқ дарс ва дарс таҳлилининг ўрни;

2) касбий ҳимоя ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисми сифатида;

3) дарс одоби, дарс маданияти;

4) ижтимоий ҳаёт ривожи инсоннинг касбий камолоти билан уйғун равишда амал қилиши етакчи омил эканлиги устувор аҳамиятга эга ҳисобланади.



3-расм. Касб тарбиясининг тузилмаси.